

А Ж Р И М

2023 йил декабрь ойининг 21 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг очик сайёр суд мажлиси Фарғона тумани Барқарор ҳамжиҳатлик м.ф.й. биносида бўлиб,

Раислик қилувчи А.Эргашев,

судья ёрдамчиси П.Джўраевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона тумани прокурори ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи С.Хакимов, жабрланувчи В.Эргашев, судланувчи А.Абдурахмонов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Абдураззакованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан Абдурахмонов Абдурауф Воҳоб ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2301/448-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Абдурахмонов Абдурауф Воҳоб ўғли (Abdurahmonov Abdurauf Vohob o'g'li) - 1992 йил 20 февраль куни Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган, миллати тожик (*ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас*), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Фарғона туманидаги “Аҳлиддин ери” фермер хўжалигида ишчи, муқаддам судланмаган, Фарғона тумани, Барқарор ҳамжиҳатлик маҳалла фуқаролар йиғини, Себзор кўчаси, 35-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 16 ноябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.Абдурахмонов 2023 йил 9 сентябрь куни Фарғона тумани Каптархона МФЙ Камолот кўчаси 179-уйда истиқомат қилувчи қайнотаси Эргашев Воҳиджон Юлдашевич билан ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, жанжал давомида уни юз қисмига қўллари билан бир маротаба уриб тан жароҳати етказган. В.Эргашев олган тан жароҳатлари юзасидан шифохонага мурожаат қилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 27 сентябрдаги 7001-сонли хулосасига кўра, В.Эргашевда чап қулоқ супрасини эзилиб йиртилган яралари ва тоғай қисмини синиши, бўйин соҳасида конталаши, чап оёқ кафти соҳасида лат яра аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари 6 кундан кўп, аммо 21 кундан кам бўлган муддатга соғлиғини бузилишига сабаб бўлган енгил шикастлар тоифасига киришги кўрсатилган.



Дастлабки тергов органи томонидан А.Абдурахмонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Жабрланувчи В.Эргашев судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда у судланувчи А.Абдурахмонов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судланувчи А.Абдурахмонов судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи В.Эргашев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, судланувчи А.Абдурахмонов ва жабрланувчи В.Эргашевнинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи С.Хакимов ва ҳимоячи Ш.Абдураззакованинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, мазкур жиноят ишини тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни ва А.Абдурахмоновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни, шунингдек жабрланувчи В.Эргашевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган Абдурахмонов Абдурауф Воҳоб ўғли (Abdurahmonov Abdurauf Vohob o'g'li)га нисбатан ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, унга оид жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилиб, у жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи В.Эргашевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

А.Абдурахмоновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят қилишга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,

